

---

## Данғара туманида Янги йил байрам тадбири бўлиб ўтди.

Айни кунларда диёримиз бўйлаб барчага шоду-хурсандчилик улашиб, янги йил шукуҳи кезиб юрибди.

Янги йил байрами муносабати билан Данғара туманида ҳам турли хил кўнгилочар байрам тантаналари бўлиб ўтмоқда.

Данғара туманида жойлашган 27-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган "Янги йил" байрами тадбири ҳам барча болажонлар учун ўзгача завқ улашди.

Маданят маркази ходимлари томонидан болажонлар учун қорбобо ва қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги театрлаштирилган томошалар тақдим этилиб, туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари томонидан совғалар улашилди.

---

2023-12-27 18:12:41